

Америкалик мусулмонлар учун энг катта онлайн Қуръон академияси



09:00 / 24.07.2021 2473

Қуръонни онлайн ўқитиш АҚШнинг Жоржия штати билан чекланиб қолмайди ва Қуръон талабалари тажрибали устозлар назорати остида ўзлари танлаган ўқув дастурини тақдим этиш орқали арзон нархларда Қуръонни ўрганишлари мумкин.

Исломда Қуръони Каримни ўқиш, ўрганиш ва маъносини тушунишга катта аҳамият берилади. Дарҳақиқат, Қуръонни ўқиш, уни имкон қадар кўпроқ ўрганишга ҳар бир мусулмон интилиши керак. Шунинг учун Исломда ўқиш ва ёзишни ўрганиш, умуман билимларни кенгайтириш тавсия этилади.

Компьютер соҳасининг ривожланиши, айниқса коронавирус эпидемияси тарқалгандан сўнг, илмий-маданий фанларни ўқитиш билан боғлиқ дастурлар турли ёш ва фан даражасидаги фойдаланувчиларнинг эътиборини тортди. Аста-секин технологияларнинг ривожланиб бориши, бозордаги рақобатни кучайтирди ва натижада маълумотларни сақлаш соҳасида юқори сифатли ўқув дастурлари жорий этилди.

Хусусан, дастлабки Қуръон дастури 1990 йилларнинг бошларида ва 1993 йилларда Индонезияда CD форматда чиқарилган. Ушбу компакт-дисклар Қуръони Каримнинг тиловат қилинган қироатларини экранда арабча матн

билан бирга ижро этиши ва фойдаланувчига маълум бир сура ва оятни танлаб, Қуръонни қидириш имкониятини яратди. Қуръони Каримнинг бошқа тилларга таржималари ҳам баъзида асл араб тиловати билан бирга келади. Ушбу дастурлар Хитойда мақбул нархларда оммавий ишлаб чиқарилди.

Кейинчалик моделлар рангли дисплейларни тақдим этди. Смартфонлар каби янада кучли мобил қурилмалар мавжудлиги сабабли, махсус қурилмалар учун эмас, балки бундай қурилмалар учун Қуръон дастурини ишлаб чиқишга кўпроқ эътибор қаратилди.

Бугунги кунда дунёдаги кўплаб Қуръон муассасалари ўзларининг муваффақиятли веб-сайтларига эга. Онлайнда Қуръон ўқитиш усулларини кутиб олиш учун жуда кўп сабаблар мавжуд. Аввало, онлайн таълим Қуръон ўрганишининг осон, тезкор ва самарали усули ҳисобланади. Сиз буни уйингиздан чиқмасдан қилишингиз мумкин.

Бошқа томондан, ўқувчилар ушбу усулдан фойдаланишда жуда кўп имкониятларга эга.


Онлайн Қуръон дарсларида энг катта плюс бу вақт. Бундан ташқари, синфда тартибсизлик йўқ ва сиз ўқитувчидан керакли эътиборни оласиз, синфлар одамнинг керакли вақт ва вазиятга кириш имкониятига қараб созланиши мумкин.

Ғарб мамлакатларида Қуръонни ўқиш ва унинг маъноларини тушунишни муваффақиятли ўргатадиган муассасалардан бири бу Қуръон мактаби веб-сайти.

Ушбу Қуръоншунослик академияси 2019 йилда АҚШнинг Жоржия штатидаги Атланта шаҳрида Данжал Юсуф томонидан асос солинган. АҚШдан ташқари, Буюк Британияда ҳам Қуръон мактабининг филиали мавжуд. Аммо ушбу Қуръон академияси географик чегаралар билан чекланиб қолмайди ва Қуръон ўрганувчилар арзон нархларда тажрибали устозлардан онлайн режимда ўқишлари мумкин.

Қуръон мактаби Қуръонни ўргатиш учун бир неча хил курсларни ишлаб чиқди ва ота-оналар фарзандининг қизиқишига қараб ҳар қандай дарс турини танлаши мумкин. Қуръон академияси тўрт хил курсни, жумладан, Қуръон ўқиш, Қуръон маънолар таржимаси, онлайн Қуръон ўқиш ҳамда онлайн Қуръон ўқиш ва ёдлаш курсларини таклиф этади.

Қуръон мактабида ўқитувчиларни танлаш бўйича қатъий қоидалар мавжуд.



Хуршид Маъруф тайёрлади